

МИЛЛИЙ ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДА ЭЛЕКТРОН РАКАМЛИ ХАРИТАЛАРИНИ ЯНГИЛАШ ИШЛАРИ

Абдуллаев Т.М., Карабазов С.А., Жалолитдинов Б.М.

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги мавжуд миллий географик ахборот тизимини табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳаларида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида тематик таркиби бўйича турли, актуал ва тўғри картографик ва бошқа маълумотларни вақтинг реал масштабда таҳлил қилиб чиқиш уларни бир тизимга солиш долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига жорий қилинадиган, асосий иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият соҳалари ахборотини қамраб оладиган ҳамда компьютер воситасида ифодаланадиган шаклдаги фазовий маълумотлар, функционал имкониятларнинг вазифаларга мувофиқ тўплами, уларда геоахборот технологияларининг операциялари амалга оширишни ўз ичига олувчи функционал автоматлаштирилган комплекс ахборот тизими жорий қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 сентябрдаги "Миллий географик ахборот тизимини яратиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-2045-сонли қарори тасдиқланиб, ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси зиммасига юклатилгандан кейинги ўринларда (Давергеодезкадастр кўмитаси) деб юритилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, бошқа фойдаланувчиларни турли фаолият соҳаларида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган геодезик, картографик ва кадастр ахбороти билан таъминлаш мақсадида Давергеодезкадастр кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда давлат ва махсус аҳамиятдаги географик ахборот тизимини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва ер тузиш

хамда давлат ер кадастри ҳисоботини юритиш ишларини амалга оширмоқда.

Ҳозирда ер тузиш ҳамда давлат ер кадастри ҳисоботини юритишни 1:10000 ва 1:25000 миқёсидаги хариталарсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Ушбу хариталарсиз ички ер тузиш ва ерларни қайта тақсимлаш лойиҳаларини тузиб бўлмайди.

Мазкур яратилган хариталар ер тузиш ишларини бажаришда қулайликлар яратиш учун яратилган. Ушбу хариталар кўп йиллар давомида Давергеодезкадастр қўмитаси тизимидаги корхона ва ташкилотлар бир неча йиллар давомида давр талаби ва ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиққан ҳолда муттасил такомиллаштирилган жумладан, кўриниши, шартли белгиларини акс эттириш, маълумотлар таркиби ва шартлилик даражаларининг кичик бир хусусиятларигача мамлакатимиздаги ер тузиш, ер кадастрини юритиш ва ерлар мониторинги бир Давергеодезкадастр қўмитаси ва унинг қуйи ташкилотлар томонидан Миллий географик ахборот тизимини яратишда электрон рақамли хариталарини янгилаш учун қуйидаги ишлари амалга оширилмоқда. Яратилаётган ва янгиланаётган хариталар ер тузиш ва давлат кадастр ишларини бажаришда янада қулайликлар яратиш учун янгиланиб келинмоқда.

Давергеодезкадастр қўмитаси тизимида, жумладан, Геоинформкадастр" давлат унитар корхонаси ва "O'zdaverlohiya" илмий лойиҳалаш институтда мавжуд космосуратлар асосида бажарилган дешифровка ва ер турларини йўқламадан ўтказиш натижалари асосида Республика туманларидаги массив (худуд)ларни 1:10 000 масштабдаги қишлоқ хўжалик электрон рақамли хариталарини янгилаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар туманларидаги худуд(массив)лар кесимида тайёрланмоқда.

Электрон рақамли ортофотоплан материалларидан амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, ер ресурсларини ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда янгилаб бориш, ер ресурсларнинг ҳолати,

қишлоқ хўжалиги агротехник тадбирларни ўтказилиши бўйича мониторинг тадбирларини ўтказиш мақсадида WGS 84 координатасига боғланмоқда.

Миллий географик ахборот тизимини жорий қилишда 1:10 000 масштабдаги қишлоқ хўжалик электрон рақамли хариталарини янгилаш натижасида Республика туманлари массивлари кесимидаги мавжуд 1:10 000 миқёсдаги электрон рақамли қишлоқ хўжалик хариталарини ягона классификаторга мослаштирилади ҳамда Давлат кадастрлар тизимини такомиллаштириш ва тизимлаштиришда фойдаланилиши учун тақдим қилинади. Ер участкасининг жойлашган ўрни, майдонлари, чегаралари ерларни баҳолаш зоналари, сув манбалари шунингдек, давлат ер кадастрига доир тегишли тавсифлар олишда фойдаланишни таъминлайди.

Республика бўйича ҳудудларнинг 1:10 000 миқёсдаги электрон рақамли қишлоқ хўжалик харитаси шаклланади ҳамда ушбу хариталар асосида Давлат кадастрлар ягона тизимида "Давлат ер кадастри"га оид маълумотлар базаси шакллантирилиб борилади.

Миллий географик ахборот тизимининг (жойнинг ҳозирги ҳолатига мос келадиган) актуаль рақамли картографик асоси қисқа вақт ичида фақат юқори аниқликдаги космик сурат материалларидан фойдаланиш билан яратилиши мумкин. Миллий географик ахборот тизими рақамли хариталарни умумий идеяларни бирлаштирилган, масштаб, координата тизимлари, мазмуни ва шартли белгилари бўйича келишилган ва таъминотлар ичида аниқ бир функционал имкониятлар тўплами сифатида тақдим этади.

Биринчи навбатда Миллий географик ахборот тизимининг марказлаштирилган ва идоравий даражадаги асосий тематик қатламлари шакллантириш учун асос бўлган 1:200 000 масштабли рақамли харитани янгилаш керак. Кейинги навбатда ҳар хил марказий, минтакавий ва ҳудудий даражадаги умумдавлат ва идоравий топшириқларни бажарилишини таъминлаш учун 1:10 000 (суғориладиган деҳқончилик ҳудудларда) ва 1:25 000 (қолган ҳудудларда) масштабда рақамли хариталарни яратиш зарур.

Хулоса килиб айтганда, Миллий географик ахборот тизими табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳаларида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида тематик таркиби бўйича турли, актуал ва тўғри картографик ва бошқа маълумотларни вақтнинг реал масштабида таҳлил қилиб чиқиш ҳамда баҳолаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисидаги” Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сон қарори.